

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

# РЕФЕРАТ

Мавзу: Ўрта Осиёда тасаввуф ва тариқатлар

Бажарди: У. Мавлянов

Текширди: \_\_\_\_\_

Тошкент – 2011

РЕЖА:

КИРИШ

1.Тасаввуфнинг Нақшбандия давригача бўлган тараққиёти.

1.Туркистонда тасаввуфнинг асосий тариқатлари.

1.Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## КИРИШ

Академик Иброҳим Мўминов ёзганларидек "Суфизм-мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга"<sup>1</sup>. Тасаввуф тарихий тараққиётида нақшбандия тариқати ҳам ана шундай мураккаб мазмун-моҳиятга эга бўлган тариқатлардан биридир. Тадқиқотлар зоҳидлик, орифлик, узлатга кетиш, факру-фанони дунё фаровонлиги ва тўқлигидан афзал билиш, дарвешлик, қаландарлик, камбағал-қашшоқликни бир эзгу неъмат деб санаш анъаналари айниқса Туркистонда ислом келмасдан олдин ҳам минг йиллар давомида яшаб келганки, бу айниқса буддавийлик дини ва диний-орифчилик маданияти Туркистонда гуллаб яшнаган. Эраמידан аввалги II-эрамининг IV-VI асрларда жуда кучли туркий-буддавий цивилизация анъанаси сифатида ўзини намоён қилган эди» деган хулосани беради. Туркистонда то ислом давригача, илк ислом даврида ҳам "Ихван ас-сафо", (X-XI) футувват, ахийлик, жавонмардлик каби орифий-зоҳидлик ғоя ва ҳаракатлар мавжуд

эдики, ўшалар асосида тасаввуф қарор топган эди. Г. Э. фон Грюнебаум ўзининг "Мумтоз Ислом"<sup>2</sup> асарида "...суфийлар ўз ғояларини футуионлардан (яъни футувватлардан) қабул қилган» -деб ёзади. IX-XI асрлардаги дарвешлар жамоаси хунармандлар билан узвий алоқада бўлганлигини Е. Э. Бертельс таъкидлайди<sup>3</sup>.

Кайковус ҳам ўзининг "Қобуснома" асарида: "Жувонмардликка яқин бўлгил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан",- деб ўғли Гилоншоҳга насиҳат қилади. Ва давом этиб ёзади: "Агар жувонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг, ҳамиша уч нарсани кўзда тутгил: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан ва тилни ёмон сўздин сақлашни. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутгил: уй эшигини, суфра бошини, ҳамённинг боғичини"<sup>4</sup>.

Бу жавонмардлик амал-фазилатлар суфийлар амаллари билан тўла мос келади. Бу тасаввуф Туркистонда XI асрдан кейин шаклланганлиги тўғрисидаги Ғарб шарқшунослигидаги мавжуд анъанавий талқинини инкор этади. XII асрга келиб, ислом таълимоти билан тасаввуф таълимоти бир-бири билан яқинлашиб, уйғунлашиб кетди, бунда Абу Ҳомид Ғаззолий ва Ибн Арабийларнинг ислоҳчилик ҳаракатлари, ғоя ва таълимотлари ҳал қилувчи роль ўйнади. "Ибн Арабий испаниялик араб эди, лекин унинг мистик ва пантеистик таълимоти кўпроқ Эронга, форсларга ёки Марказий Осиёдаги эронлашган халқларга таъсир этиб, улар бутун XII ва XIII асрларда араб худудларидаги тариқатларини ва диний-фалсафий фаолиятини ривожланишда ҳақиқатда буюк рол ўйнадилар"<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Мўминов И. Танланган асарлар. 1-том. - Т.: 1969. - Б. 34.

<sup>2</sup> Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986. - С. 183.

<sup>3</sup> Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. - С. 21.

<sup>4</sup> Кайковус. +обуснома. - Т.: 1994. - Б. 162.

<sup>5</sup> Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986. - С. 182.

## 1.1. Тасаввуфнинг Нақшбандия давригача бўлган таракқиёти

Тасаввуф таълимоти илк ислом даврида маълум гуруҳ кишиларни мавжуд жамиятдаги ижтимоий тузумдан норозиликлари натижасида вужудга келган таълимотдир. Бу эса тарихан ҳижрий иккинчи асрга тўғри келади. Бу даврда Араб халифалигининг ҳудуди Арабистон ярим ороли сарҳадидан чиқиб, Сурия, Ироқ, Эрон мамлакатларига етиб бораётган эди. Янги вужудга келаётган тузумга қарши турувчилар суфизм ғояси остида арабларга қарши ўз озодликлари, Ватан ҳимояси учун курашдилар. Бу курашни бошлаган ироқликлар эди. Тасаввуфнинг кейинги тарихий таракқиётни шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

**1-давр.** Тасаввуфнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ёйилиши даври. VII-IX асрлар. Зуннун Мисрий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Абу Саҳл Тустарий, Хорис ал-Мухосибий, Иброҳим ибн Адҳам, Абу Усмон ал-Маккий, Ҳаллож, Бистомий, Абу Саид ал-Хараконий.

**2-давр.** Тасаввуф ва исломнинг уйғунлашув даври X-XI асрлар. Ғаззолий, Абу Саид Майхоний, Абдурахмон ас-Суламий, Қушайрий, Ҳужвирий.

**3-давр.** Тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиш ва тасаввуфнинг оммалашуви даври. XII-XV асрлар.

Тасаввуф биринчи даврида (дастлаб Ироқда) зоҳидлик, ирфоний интилишлар сифатида пайдо бўлган таълимот бўлиб, ўрта асрларда асосий меҳнаткаш оммани ташкил этган камбағал деҳқон, хунармандларнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик ва ҳақсизликдан норозилигини ўзида акс эттирар эди. Бу жараён то IX аср охиригача бўлган даврда мавжуд бўлиб келди. Е.Э.Бертельс "Ҳар қалай машхур хонақоҳлар қишлоқ жойларида бўлса-да, уларнинг катта қисми шаҳарларда марказлашган эди. Айниқса, дастлабки даврларда Куфа, Басра ва Бағдод, кейинроқ Нишопур бу соҳада муҳим рол ўйнай бошлади"- деб ёзган эди<sup>1</sup>. Тасаввуфнинг кейинчалик икки: Эрон ва Марказий Осиё каби ўчоқлари пайдо бўлди. Тасаввуф таракқиётини Эрон ва Марказий Осиёдагидек ҳеч бирон мамлакатда кечмаганлигини қайд этиш мумкин. Биринчи даврда О.Акимовнинг фикрича, "Суфизм, фақатгина эскизлардан чиқа бошлаган" давр эди.<sup>2</sup>

Тасаввуф иккинчи даврда ўз бошидан дин билан уйғунлашув босқичини кечиради. Тасаввуф ва ислом ғоялари буюк ислоҳотчилар Абу Ҳомид Ғаззолий (1158-1111), Ибн Арабий (1165-1240) қабилар томонидан уйғунлаштирилади. "Суфизм ҳаракатини раҳбариятга қандай йўл билан бўлсада бўйсиндириш йўлини топиш лозим эди. Бу вазифани Ғаззолий ўз зиммасига олди"- деб ёзади Е.Бертельс.<sup>3</sup> Тасаввуф ва ислом дини оралиғидаги "буюк хитой девори"ни олиб ташлаш миссиясини тарихда Ғаззолий ва Ибн Арабий бажарди. Ислом маънан, мазмунан тасаввуф билан кейинги даврда қоришиб кетдики, улар орасидаги чегара ва тафовутни кейинги даврда фарқлаб бўлмай қолди. Бу жараён эса, келгуси ислом ва тасаввуф таракқиётида фақатгина ижобий рол уйнади, холос. Ислоҳотчилар эса ўз хизматлари эвазига "ислом хужжати", "улуғ устоз", "ашайх ал-акбар" каби шарафли номларга мушарраф бўлдилар.

<sup>1</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С. 41.

<sup>2</sup> Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. -С. 308.

<sup>3</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература - М.: 1965. -С. 42.

Тасаввуф яхлит таълимот сифатида, то ўз давригача, яъни VIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний ирфоний ғоя ва таълимотлар замирида вужудга келди. Тасаввуф оташпарастлик, буддизм, қадимги туркий Кўк Тангри эътиқодлари, қадимги юнон фалсафий мактаби, христианлик ва энг аввало ислом замирида, базасида вужудга келди<sup>6</sup>. Ҳатто, унда монийлик таълимотининг ҳам таъсирини кўриш мумкин, деб қайд этади С. Н. Григорян<sup>7</sup>. Тасаввуф ўзининг бир неча маънавий-ирфоний илдизлари билан бирга, ўз маънавий асосларига ҳам эга. Унинг бош асоси, бу ислом таълимоти ва унинг моҳиятини ифода этувчи Қуръони каримдир. Тасаввуфнинг асосини пантеистик дунёқараш ташкил этади. Пантеизмнинг ўта мураккаб диний-фалсафий таълимот сифатидаги ўзига хослиги бутун ўрта аср Шарқи-ю Ғарби диний-орифчилик таълимотлари, бидъат ва хурфиқр ҳаракатлар фалсафий негизини ташкил этади. Ислом таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини ишлаб чиқа бориб, "суфизм IX-X асрларда яхлит бир тизимли таълимотга айланди"<sup>8</sup>.

Тасаввуфнинг: А) онтологик; Б) гносеологик; В) психологик назариялар унсурлари мавжуддир<sup>9</sup>.

XX асрнинг сўнгги чорагида минтақамиз олимлари тасаввуфнинг юқорида кўрсатилган асосий унсурларини, хусусан, тасаввуфдаги гносеология муаммоларини махсус тадқиқ этишга уриндилар<sup>10</sup>. Лекин тасаввуфнинг психологик ва аксиологик жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Е.Бертельснинг фикрича, тасаввуфнинг онтологик асослари: -Аҳадийят-яккаю-ягоналик; -Ваҳидийят-бирлик, яъни ваҳдати вужуддан иборатдир<sup>11</sup>.

Тасаввуфнинг бош ғояси суфийни Ҳаққа восил бўлиш йўлларини кўрсатишдан, тарғиб этишдан иборатдир. Бу жараён тўрт босқичдан иборат ҳолда кечади:

1 Шариат-ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари, қонун-қоидаларини билиш ва уларга риоят этиш.

2. Тарикат-суфий томонидан «восил бўлиш» учун танланган йўл. Бунда суфий нафсидан воз кечиб, бирор пир йўлини танлайди ва унинг амалларини унга эргашган ҳолда бажариб боради.

3. Маърифат - суфий томонидан Оллоҳни таниш ва уни қалбан билишдир. Шу билан бирга Оллоҳни бутун мавжудотнинг, борлиқнинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир.

4. Ҳақиқат (фано босқичи ҳам дейилади<sup>12</sup>) - бу босқичда суфий худо васлига етади. Бу даражага етган суфий авлиёлик, «анал-ҳақлик» даражасига эришган бўлади. Тасаввуф тарихий тараққиётида Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) «Менга шараф», «Мен қанчалик буюкман», Мансур Халлож (857-922) «Мен ҳақман» (Анал-ҳақ) дея ўзларини фано босқичига етганликларини қайд этганлар. Бундан

<sup>6</sup> Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. акад. М Хайруллаева. - Т.: 1991. -С. 7. Зошидов В. Улу\ шоир ижодининг =алби. - Т.: 1970. -Б. 318.

<sup>7</sup> Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана У11-Х11. -М.: 1960.

<sup>8</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. -М.: 1965. -С.39.

<sup>9</sup> Ыша асар. - Б. 36-39.

<sup>10</sup> +аранг: А.Мухаммадходжаев. Гносеология суфизма. - Д.: 1989. Нирша В.М. Мироззрение и суфийские концепции Абу Хафса Умара Шихабуддина Сухраварди. АКД. 09.00.03. История философии. - Т.: 1990. Хазраткулов М. Философия Ишрак (Озарения): истоки, проблемы, тенденции развития. – АДД.09.00.03. -Т.: 1991. Олимов К. Хорасанский суфизм. - АДД. - Т.: 1994.

<sup>11</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С. 39, 109, 361, 469, 479.

<sup>12</sup> Зошидов В. Улу\ шоир ижодининг =алби. - Т.: 1970.

ташқари Фаридидин Аттор, Насимий, Бобораҳим Машраблар ҳам бу даражага эришганлар.

Тасаввуф тарихида XII асрга келиб шундай бир жараён юзага келдики, бу пайтда тасаввуф таркибидан алоҳида оқимлар ажралиб чиқа бошлади. Бундай тариқатлар сони шарқшунос И. Петрушевскийнинг қайдича, бир неча ўнлаб тариқатдан иборат бўлиб, XIV асрда улардан 12-14 таси оммавий тариқатлар эди. Худди шу оммавий тариқатларнинг сўнгги тараққиёти даврида, накшбандия тариқатини ҳам шаклланиши ва ривожини кўрамизки, буни баҳоли кудрат ўрганишга жазм этдик.

## 1.2. Туркистонда тасаввуфнинг асосий тариқатлари

Тарихда Туркистон тасаввуфнинг кенг тарқалган ҳудудларидан бири бўлган. Шарқшунослар: Бертельс, Петрушевский, Брагинский, Заходер<sup>1</sup> ва бошқаларнинг фикрича, Туркистон ва Эронда тасаввуф ўзининг камолотига эришган. Бу таълимот Туркистон сарҳадига араб дунёсидан Эрон орқали кириб келган. Тадқиқотларда тасаввуф Мовароуннаҳрга XI асрда<sup>2</sup> кириб келганлиги қайд этилади, ҳолбуки бу ерда тасаввуф, ҳатто Хужвирий, Қушайрийлар манбавий шоҳидликларига кўра, оташпарастлик ва буддавийликнинг диний-ирфоний ғоя ва анъаналаридан ташқари Иброҳим ибн Адҳам, Боб Фарғонийлар, Абу Бакр ал-Воситий ал-Фарғонийлар ва бошқа азиз авлиёлар номи билан боғлиқ ҳолда энг камида IX асрдан бошлаб катта диний-ирфоний жараён сифатида ривожлана бошлаган.

Биз ушбу фаслда тасаввуф тариқатларининг Туркистон, Марказий Осиё минтақасидаги мураккаб тараққиёти тўғрисидаги А.З.В.Тўғон, Ж. Флэтчерлар XX аср I-ярмида илгари сурган ва Ф.Майер, П.Юрген, Де Вин Де Визлар XX аср IV чорагида ривожлантира бошлаган ва ҳозирги кунда бизнинг минтақамизда А.Мўминов, Б.Бобожонов, А.Зоҳидий, немис олимаси А. фон. Кюгельгенлар ривожлантираётган тасаввуф тариқатлари манбаларининг янги герменевтик ва экзегетик талқини ва концепциясини атайлаб таҳлилга жалб этишни мақсадга мувофиқ кўрмаймиз. Чунки, мазкур жиддий манбавий таҳлилга асосланган талқин концепцияси ҳали яқунлангани йўқ<sup>13</sup>.

Юқоридагилар изидан борган ва бораётган накшбандия тариқати тадқиқотчиларининг пешкадамлари проф. Н.Комилов, А. Муҳаммадхўжаев, О.Усмонлар, махсус докторлик тадқиқотлари муаллифлари Р. Шодиев, З.Қутибоев, Э.Каримов, Г. Наврўзова ва бошқа муаллифлар тадқиқот ва илмий-оммабоп нашрларида ўз ифодасини топган<sup>14</sup>.

Тасаввуфнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ. «У ҳазрат Туркистонда тасаввуф дарахтини ўрнатган зотдир»<sup>15</sup>. В.

<sup>1</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-Vвв. Лен-д., 1966, Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литературы. - М.: 1972. Заходер Б. Н. История восточного средневековья. - М.: 1944.

<sup>2</sup> Бертельс Е.С. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965. -С.40. Мўминов И. Танланган асарлар. 1 жилд, -Т.: 1969. -Б.34-36. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. - Т.: 1977. -С.169. <sup>4</sup> Бартольд В.В. Ислам. соч. в 6 томах. - М.: 1966. -С. 117-118.

<sup>13</sup> Бу ша=да муфассалро= =аранг: Суфизм в Центральной Азии (Зарубежные исследования).-С-Пб.: изд. С-Петербургского ГУ. 2001. -С. 114-199; 211-272; 274-328; 330-357.

<sup>14</sup> Мазкур муаллифлар тад=и=отлари ва нашрлари диссертацияга илова =илинган манбалар ва адабиётлар рўйхатида муфассал рефератлар билан кырсатилган. - С.Исмоилов.

<sup>15</sup> Исмоилов С. На=шбандия тари=атининг баъзи бир илдилари хусусида. - Муста=ил Ўзбекистон : фалсафа фанинг долзарб муаммолари. 1 жилд. - Т.: 1995.-Б. 17.

Бартольд қайд этиб ёздики, «ал - Қодир (1077-1166) замондошларидан бўлган Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кўчиб келиб, бу ерда 1140 йил вафот этади. У Марв яқинида дафн этилгандир. Мана шу дарвешлик мактабидан Ўрта Осиёда дарвешларнинг энг йирик вакиллари етишиб чиқдилар»<sup>16</sup>.

Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Хоразмда фаолият кўрсатади. Бу ерда ўз тасаввуф мактабига асос солади. Унинг мактабидан келгусида, тўрт машхур шогирд: Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувонийлар етишиб чиқадилар. Ва улардан иккитаси кейинчалик Туркистонда машхур бўлиб, оммавийлашиб кетган «яссавия» ва «хожагония» тариқатларининг асосчилари етишиб чиқади. Ислом дунёсида ва тасаввуф тарихий тараққиётида қатор Туркистонлик мутафаккирларнинг жуда катта диний-ирфоний ва маънавий таъсири борлиги шубҳасиз. Булар: Имом Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, аз-Замахшарий, Марғинонийлар бўлиб, уларнинг хизматини бутун дунё тан олган.

Туркистонлик Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) каби валийлар эса тасаввуфнинг жаҳоншумул тариқатларининг асосчиларидирлар. Ўрта асрлар даврида Туркистонда уч асосий тариқат: «Яссавия» XII асрда, «Кубровия» XII-XIII асрларда, «Хожагония - Нақшбандия» XIII-XIV асрларда шаклланиб, кейинги асрларда ўз тараққиётини бошдан кечирди. (2-3 иловаларга қаранг)

**Яссавия тариқати.** Яссавия тариқатининг асосчиси туркистонлик Аҳмад Яссавийдир. Аҳмад Яссавий адабиётларда 1166 йил пайғамбар ёшида чиллага кирганлиги қайд этилади.<sup>1</sup> Агар ушбу санадан пайғамбар ёшини чиқарсак 166-63қ1103 келиб чиқади. Шунга қараганда, Аҳмад Яссавий 1103 йил туғилган бўлиб чиқади.

«Ҳазрат Яссавий дастлаб ўз ватани Сайрамда ханафия фақиҳи Баҳоуддин ал-Исфижобийдан анъанавий ислом илмларидан дарс оладилар. Сўнгра Ўтрорда маҳаллий мубаййидий фиркаси етакчиси Арслонбоб қўлида таҳсил кўради».<sup>2</sup>

Яссавий Арслонбоб кўрсатмаси билан Яссига боради ва у ерда маълум вақтгача толибларга ислом асосларидан дарс беради. Кейинроқ ўз билимини бойитиш учун Бухорога бориб машхур мутасаввуф Юсуф Ҳамадоний қўлида сабоқ олади. Қайтиб Яссига келиб ўз ғояларини тарғиб этади. «Буюк мутафаккир ва файласуф Яссавий турк дунёсидаги биринчи тариқатнинг асосчисидир», «Унгача на динда ва на турклар тарихида бирор шоир ва мутафаккир бўлган эмас эдики, турк дунёси ривожига сезиларли таъсир этган бўлса»<sup>17</sup>. Яссавий манбаларда нафақат туркий тасаввуфий таълимот асосчиси, балки «...туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси сифатида дунёга машхур»лиги ҳам айтилади. Унинг «Ҳикматлар девони» ҳам диний, ҳам тасаввуфий, ҳам бадиий асардир. Яъни, айна тасаввуфона, содда халқ тилида ифодаланган шеърят, давра рақслари тариқат, зовия, такъя, хонақоҳлар ҳаётида, кейинчалик эса дарвешлар тариқатлари, қаландарлар амалиётида асосий рол ўйнай бошлаган эди. Ва бу тасаввуфона бадиият асосини Яссавий бошлаб бериб, Ҳаким Сулаймон ва бошқа мутасаввуфлар

<sup>16</sup> Бартольд В.В. Ислам. Соч. в 6 томах. М.: 1966. -С. 117-118.

<sup>1</sup> Ашмад Яссавий. Шикматлар.-Т.: 1990. -Б. 48-53. Иброҳим Шамул нашри. Ашмад Яссавий. Девони шикмат.-Т.: /афур /улом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси.1992. -Б. 23-25. Расулмушаммад Ашурбой ыли Абдушукуров ва Мащмуд Шасаний нашри.

<sup>2</sup> Мыминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар.// Фан ва турмуш. -1993. -№ 9-10. -Б. 19.

<sup>17</sup> Трек уо'ли. yil:1. sayi: 6. Спецвыпуск. - Б. 82.

давом эттирган «ҳикмат» айтиш анъанаси ташкил этар эди. Демак, Яссавий дунёқараши ва яссавия тариқати тўғрисида сўз айтар эканмиз, аввало унинг ҳикматларига, қилган амалларига ва Яссавия издошлари, жумладан Сулаймон Боқирғоний, Занги Ато, Атоий, Азим Хожа Эшон ва бошқаларнинг у ҳақидаги маълумотларига таянамиз. Яссавия ҳам бошқа тасаввуфий тариқатлар каби «фано йўли» ни, «Ҳаққа восил бўлиш»ни тарғиб этади.

Ҳақиқатда Яссавий ҳаётида «фано йўли»га амал қилди ва бунга етишиш учун Муҳаммад Мустафо йўлини танлади. У ҳазрат, ҳазрат пайғамбаримизнинг «фақрлик фаҳримдир» қудсий калималарини ўзининг доимий ҳаётгий шиори қилиб олдилар ва бунга амал қилдилар. Умуман олганда, «фақрим-фаҳрим» ҳадисини тасаввуфона талқини фақат Яссавийга эмас, XI-XII асрлардан анча олдин, масалан, X аср аввалларида ҳам, кейинги тариқатлар даврида ҳам кўпчилик буюк мутасаввифларга бирдек ҳос эди дейиш мумкин. Нажмиддин Кубронинг фикрича; «Фақр - нури Худо турур, ҳар кимга ул нурнинг зиёси тегса, онинг зиёсидан камоли ишқ топур», ёки Мансур Халложнинг фикрича «Фақр дийдори Ҳақ таъоло турур, ҳар ким кўрди, кўрмади»<sup>18</sup>, фақр одам Оллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир, дейди бошқа бир мутасаввуф.

Фақрлик йўлининг асоси бу ҳоксорлик, Яссавий ҳазратлари ибораси билан айтганда;

*«Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ*

*Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ»,*

Ёки: *«Барча яхши, биз ёмон,*

*Барча бугдой, биз сомон»,* демакдир.

Фақрлик мақоми, Бохарзий таснифи бўйича, бир неча босқичлардан, яъни Жамоли, Жалоли ва Камолидан иборатки, бу Оллоҳнинг Гўзаллик, Қудратлилик ва Етуклик каби номларига мос келади. Уни ўзлаштириш эса, «Комил инсон» мақомига эришиш саналади<sup>19</sup>.

Ғариблик, фақрлик, етимлик, хоксорлик, камбағаллик фоний дунёда сўфийни Ҳаққа восил бўлиш йўлида ҳар қандай чекинишлардан, бурилишлардан, тойилишлардан сақлайди. Энг муҳими бундай сўфийлар нафс балосига гирифторликдан холи бўладилар ва имкон қадар кўпроқ Ҳақ ёди билан яшайдилар. Яссавиёна айтганда:

*Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,*

*Ўшал туни Меърож чиқиб дийдор кўрди»<sup>20</sup>.*

*Ғариб фақр, етимларни ҳар ким сўрар,*

*Рози бўлур ул бандадан Парвардигор»<sup>21</sup>.*

Демак, фақирлик йўлдан борувчилар Муҳаммад Мустафо ҳазрати пайғамбаримизга ва ҳатто Яратганга маъкул кишилар саналар эканлар.

<sup>18</sup> Ашмад Яссавий. Девони шикмат. - Т.: 1992. -Б. 16.

<sup>19</sup> Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989. -С. 112.

<sup>20</sup> Ашмад Яссавий. Шикматлар. Т.: 1990. -Б. 41.

<sup>21</sup> Ыша асар. - Б. 45.



Яссавия тариқати баъзи бир муаллифлар ёзганидек «таркидунёчилик», «нисбатан содда тариқат» эмас, балки чин маънодаги халқчил, илғор ва аҳамиятли, кенг қамровли тариқат эдики, у тасаввуф тарихий тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўзида умумий тасаввуфий ғояларни ифодалаб, бу борада бошқа тариқатлар билан узвий боғлиқдир.

Алишер Навоий Аҳмад Яссавий тўғрисида «Туркистон мулкининг Шайх-ул-машшойихидур ..», «Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур» - деб ёзганлар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг турбатини уч маротоба зиёрат қилиш оддий халқ назарида, анъанасида хаж фарзини адо қилиш билан баробар ҳисобланган.

Яссавия тариқатининг кейинги тараққиёти унинг издошлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Кейинги асрларда Яссавия тариқати таркибидан Боқирғония (асосчиси Ҳаким Ота ёки бошқача айтганда Сулаймон Боқирғоний), Бектошия (асосчиси Ҳожа Бектош Валий) каби шоҳобчалар ажралиб чиқди. Ориф Усмоннинг таъкидлашича, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг муриди Шайх Лукмон Паррандининг шогирдидир Яъни, Ҳожа Бектош Валий Аҳмад Яссавийнинг шогирдининг шогирдидир. Шоҳобчаларнинг таъсири натижасида Яссавия тариқатининг таъсир доираси Мовароуннаҳр чегарасидан чиқиб, Кичик Осиё, Туркия, Эрон, Кавказ, Шарқий Туркистон, Волгабўйи халқлари орасида кенг ёйилди ва жаҳоншумуллик касб этди.

**Кубровия тариқати.** Бир неча асрлар давомида Шарқу-Ғарб халқларининг маънавиятида кучли ижобий таъсир кучига эга бўлган, тасаввуфдаги кубровия тариқати Ватанимиз сарҳади кўҳна Хоразмда XII асрнинг сўнгги чорагида ва XIII асрнинг бошларида вужудга келди. Халқ бу тариқатни улуғлаб, «Тариқати заҳабия», яъни «олтин тариқат» деб атаган. Ушбу тариқатга Аҳмад ибн Умар Абу-л-Жанноб ал-Ҳевақий ал-Хоразмий (1145-1221) асос солганлар.

Аҳмад ибн Умар тарихда «Нажмиддин», «Кубро», «Таммат-ул-Кубро» (Энг буюк хотима), «Шайх валитарош», «Шайх Нажмиддин Кубро» каби шарафли номлар билан маълум ва машҳурдир. Яъни дин ва тасаввуф тарихидаги эришган камолотлари эвазига «Нажмиддин» - арабча «дин юлдузи», «Кубро» - арабча «улуғ олим», «Шайх валитарош» - «валийлар тарбиячиси, валийлар етиштирадиган Шайх» каби номларни олган.

Аҳмад ибн Умар ҳаётини шарқшунос олим О. Бўриев шартли равишда уч даврга бўлади:

1145-1170 йиллар – унинг болалик ва йигитлик йиллари;

1170-1200 йиллар – унинг илм талабида сафар йиллари;

1200-1221 йиллар – унинг ҳаётининг сўнгги даври<sup>22</sup>.

Манбаларда қайд этилишича, Аҳмад ибн Умарнинг болалик йиллари Хоразмда ўтади. Умуман унинг ҳаёти Хоразм давлатининг Салжуқийлар давлатига қарамлиги (1038-1157), ундан кутулиш (1157-1193) ва Хоразмнинг йирик давлатга айланиш даврига (1193-1221) тўғри келади. Аҳмаднинг ёшлик йилларида мамлакатдаги ўзаро ва ташқи феодал низолар уни ўзга юртларда илм олишга мажбур қилди. У ҳаётининг яқин 30-35 йилини Эрон, Ироқ, Миср, Сурия, Арабистон каби мамлакатларда илм олиш билан ўтказди. У ўз даврининг етук олим, донишмандлари: Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий, Шайх Бобо Фароҳ, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий кабилардан сабоқ олди. У кейинроқ устозлар кўрсатмаси билан Хоразмга келиб, бу ерда тасаввуф илмини ёйди ва мустақил тариқатга асос

<sup>22</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Ма=олалар. - Т.: 1995. -Б. 55.

солди. Нажмиддин Кубро ўз таълимотини ўнга яқин яратган асарларида асослаб берган.

Инглиз олими Ж. С. Тримингэмнинг талқинича, келгусида кубровия тариқати таркибидан бир неча шаҳобчалар ажралиб чиққан. Улардан баъзи бирлари ўша худудларда ҳозиргача фаолият кўрсатмоқда. Америкалик тадқиқотчи Крейд Мокрей хабарига кўра, жумладан, кубровиянинг неъматуллоҳия шаҳобчаси айни чоқда АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Франция, Эрон каби мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда.

Кубровия тариқати аввало Эрон, Ироқ ҳамда Миср тасаввуф мактаблари замирида вужудга келган бўлиб, у ҳам умумтасаввуф ғояларига содиқ қолади. У ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларга таянади. Қатор тариқатларда бўлган ўзига хослик, яъни бирор ақидани ёки бирон ҳадисни асосий шиор қилиб олиш кубровия тариқатида ҳам мавжуддир. Шарқшунос олим Ш. Жузжонийнинг таъкид этишича<sup>23</sup>, кубровия тариқатининг моҳиятини «Ўлмасдан олдин ўлингиз» ҳадиси белгилайди. Бу Ҳадиси шарифнинг мазмуни то жисмонан ўлишгача, ўз танангизда мавжуд хою-ҳавас, истаклардан кечиш кераклигини билдирадигани, бундай ўлиш инсон руҳиятини ҳақиқий, абадий ҳаётга олиб боради. Бу йўл руҳни поклаш йўлидир. Покланиш асоси эса Нажмиддин Кубро талқинига кўра - тана поклиги; хилват; давомли сукут; рўза; зикр; таслимиёт; хотира поклиги; ҳидоятга йўлловчи пир; эҳтиёжга кўра уйқу; емоқ ва ичмоқда меъёр. Покланиш кишига хою-ҳавас, истак беради. Улар инсон руҳиятига таъсир этади. Нажмиддин Кубро «Биз шарҳламоқчи бўлган йўлимиз йўлларнинг энг яқини, энг аниғи ва энг тўғрисида»<sup>24</sup>, дейди.

Нажмиддин Кубро Ҳаққа етишнинг уч йўли:

- ахрор (ахёр) – эзгу одамлар йўли;
- аброр – тақводор кишилар йўли;
- шаттор – жазбага берилганлар йўли борлигини айтади.

Нажмиддин Кубро «Бешиқдан то қабргача илм изла» Ҳадиси шарифига амал қилганлар. У узоқ ўлкаларда юриб, диний, илоҳий, ладуний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга эришди. Унингча, ҳар икки билимнинг ҳам натижаси кишини Ҳақ жамолига олиб боради:

*Ул бода ичиб демасман: хушёр бўлайин,  
Бул мастлиг аро наинки бедор бўлайин.  
Бир жома тажаллийи жамолинг манга бас,  
То йўқлигу борлиқдин безор бўлайин*<sup>25</sup>.

Бу ўринда динийликни дунёвийлик билан боғлашга ҳаракат қилиш ушбу тариқатнинг ўзига хос жиҳатларидандир.

Нажмиддин Комиловнинг фикрича, Нажмиддин Кубро тасаввуфга «Офок ва анфус» назариясини, яъни олами кабир ва олами сағир муносабатлари масаласини киритган. Кубро талқинича, олами сағирдаги ўзгаришлар олами кабир ўзгаришларига боғлиқдир. Олами сағир – инсон олами, олами кабирга – Худога ички руҳий етуклик орқали етишади. Бунда суфий олами сағир тўғрисидаги билимларга эга бўлмоқ керак. Бу ерда тариқатни инсонпарварлик йўналишдалиги кўринади.

<sup>23</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Ма=олалар. - Т.: 1995. –Б. 4.

<sup>24</sup> Ёша асар. - Б. 44.

<sup>25</sup> Ю=оридаги асар. - Б. 73.

Нажмиддин Кубро фақатгина тариқат асосчисигина эмас, у улуғ шайх, буюк донишманд, чин ватанпарвар, миллий қаҳрамон, меҳрибон устоз ва бағри кенг, шижоатли ва қатъий сўзли, бурдли улуғ инсон эди. Ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти нуқтаи-назардан муҳими кубровия тариқати Туркистон минтақасида Шарқ мумтоз илм-фани, диний-ирфоний ва маданий анъаналарини сақлаб қолиш, келгуси авлодларга етказишда хизмат кўрсатиб қолмай, кубровиянинг ичида асосан сунний бўлган қанот билан шийаликка мойил қанот ўртасида, кубровия билан хожагон-нақшбандия, яссавия тариқатлари, уларнинг турли шаҳобчалари ўртасида рақобат кураши ҳам борганки, бу бизнинг минтақамизда ҳали деярли ўрганилмаган энг қизиқарли ва илмий аҳамиятли муаммо мавзусидир

### 1.3.Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти

Баҳоуддин Нақшбанд ислом оламида Баҳоуддин Балогардон, Ҳазрат Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожа Баҳоуддин, Имоми Раббоний, Ҳожаи Бузруг ва Ҳожа ул Ҳақ ва дин каби шарафли номлар билан машҳур бўлганлар. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг исми-шарифи турлича номлар билан зикр этилади.

Алишер Навоий: «Аларнинг оти Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдур»<sup>-26</sup> деб ёзади. Асослиси "Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад ал-Бухорий"дир. Бурҳониддин Муҳаммад ва Биби Орифалар оиласи Жанубий-Ғарбий Туркистоннинг XIV аср бошларидаги бош шаҳарлари Бухорода – “Қасри Ҳиндувон”, кейинчалик “Қасри Орифон”да, Қарши, Занжирсарой, Кеш (Шаҳрисабз)да яшаганлар, зироатчилик, кимхобдўзлик билан кун кечирганлар. Баҳоуддин падари бузрукворининг Бурҳониддин Муҳаммад шарафли унвони у зот замонасининг ўқимишли, маърифатли ва ўта тақводор, сўфий – орифлар, дарвешлар, шу жумладан Бобойи Саммосий, Амир Саййид Кулоллар давраларида ирфоний мулоқот муҳитида юрган инсон бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўла олади. Отаси Баҳоуддинни айнан увайсий сўфийлар зикр суҳбатларига жуда эрта олиб кирган, ўшалардек покдомон, тақводор мусулмон бўлиб етишишини орзу қилган кўринади.

Айни пайтда Муҳаммад Боқир тасниф этган “Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин”да келтирилган баъзи ишончли маълумотлар Баҳоуддиннинг отаси Бурҳониддин Муҳаммад ҳам, кейинчалик Баҳоуддин ҳаётида бўлганидек, мамлакат, ўша даврдаги Ҳалил Ғазон Хон, унинг отаси Бўёнқули давлат идора ва бошқарув сиёсатига аралашган зотлардан бири бўлганлиги, демак кейинчалик ўз фаолиятининг йигитлик даврида, яъни 1335-1347 йилларда сиёсий ҳаётда фаол қатнашганлиги тасодифий бўлмай, тамомила зарурий, қонуний бўлганлигини тасдиқлайди. Баҳоуддиннинг энг яқин ва севимли муриди Амир Ҳусайн кўйидагича гувоҳлик берган: “Ҳазрати Ҳожа мени Қаршидан Амир Бўёнқули лашкаргоҳига – оталарининг олдига юбордилар. Оталари шу лашкарда эди Мени лашкаргоҳга етказиб кўйдилар. Ҳоҷамизнинг оталари (ўша онда) у ерда йўқ экан. Амир билан шикорда эканлар.. (Сипоҳийлари билан учрашиб) салом қилиб хабар сўрадим.. Ҳоҷамизнинг Атоларига сизнинг хабарингизни етказганлар, улар сизни интизор бўлиб кутмоқдалар,.. Ҳоҷанинг оталарини топдим. Ҳоҷанинг саломларини етказдим.. “Фарзандим Баҳоуддин нима деди?” Бунга жавобан Амир Ҳусайн “Уларнинг кўлидаги нарсани олар экансиз, шунда келарканлар, агар

<sup>26</sup> Алишер Навоий. Насойимул мушаббат. МАТ. 20 томлик, 17 том, Т.: 2001, 261 бет.

келмасалар, қўлларида кетар экан, деб айтгин дедилар”, дедим. Ўша пайтларда Бурхониддин Муҳаммад ҳали Халил Ғозон Хон ўрдасида, ҳали Қаршида, ҳали Бухорода давлат ва лашкар ишлари билан жуда банд бўлган бўлса керакки, Амир Ҳусайн Бурхониддин Муҳаммадга “Ҳожа сизга қаттиқ мунтазир эдилар..”, “..ўзингиз кўриб турибсиз, Ҳожа сизга интизордирлар”, деб бир неча бор қаттиқ тарзда Баҳоуддинга жавоб беришини талаб қилса ҳам, жавоб бера олмаган. Сўнгра мағлубиятга, талон-тарожга учраган. Шундан сўнггина Бухорога юрганлар. “Қаршига етиб келганимизда Ҳожанинг оталари бу ерда тўхтадилар. Ҳожанинг оналари шу ерда эдилар”. Бу манбавий маълумотлар бизнинг фикримизча Баҳоуддин ва унинг отасининг 1327-1347 йилларда Халил Ғозон Хон ҳокимиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий ориентацияси бўлганлигини кўрсатади.

Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718 йил мезон ойида (бу мелодий 1318 йил август-сентябр ойларига тўғри келади) Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Хиндувон кишлоғида қосиб оиласида дунёга келади. Кейинчалик қишлоқ четидаги Баҳоуддиннинг оналари хоки қўйилган қабр ва унинг қошидаги масжид ва унинг атрофидаги қишлоқ Қасри Орифон номи билан тарихга кирган<sup>27</sup>. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, дину-ис<sup>28</sup>ломда эришган ютуқлари учун халқ томонидан берилгандир. Маъноси - диннинг нури, динга равшанлик берувчи демакдир. Бутун ҳаёти давомида ўзининг кароматлари, дуои ҳофизалари билан халқни турли хил офату-балолардан сақлаб юрганликлари учун халқ у кишини Баҳоуддин Балогардон (Балони даф этувчи Баҳоуддин) деб улуғлашади. Халқ оммаси орасида юқоридаги 7 кунияларнинг ушбуси энг машҳурдир. Ҳожанинг "Нақшбанд" кунияси эса арабча "нақш", форсча "банд" сўзларининг бирикмасидан ясалган булиб, "нақш солувчи, нақш боғловчи" деган маъноларни билдиради.

Аввало, Нақшбанд номи ҳазратнинг касби-коридан олинган. У киши қосиб оиласида дунёга келганлар, ўзлари ҳам хунармандчилик билан машғул бўлганлар. Алишер Навоий "Насоим-ул-махаббат" асарида ёзади: "Кимхоб нақшини боғламоққа машҳурдирлар", яъни матога гул босиш хунари билан машғул бўлганлар.

Қолаверса, қатор (масалан: академик Иззат Султон, профессор Ориф Усмон, нақшбандийшунос Садриддин Салим Бухорий ва бошқалар) шарқшунос, исломшунос, адабиётшунос ва тарихшуносларнинг фикрича "нақшбанд" номи "нақшбанд бар дил банд", яъни кўнглинда Оллоҳ Таоло зикрини нақш айла демакдир. Демак, "нақшбанд" сўзининг мазмуни уларнингча юракда, қалбда Оллоҳ номини ўйиш демакдир. Агар юқоридаги фаразларни Нақшбанд номи билан муқояса қилсак, барчасида ҳам ҳақиқатга яқин фикрлар ётибди, лекин бизнинг фикри ожизимизча, Баҳоуддин Нақшбанднинг умрбоқий шиори "Дил ба ёру, даст ба кор" шиорига таяниб, аввал иккинчи ва кейин биринчи фараз-фикрни ҳақиқатга яқинроқ деб биламиз. Яъни улар асосида, Нақшбанд кўнглида Оллоҳни жо қилган ва қўли меҳнатда бўлган инсон, устоз ва буюк авлиё эди дейиш мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам насаб, ҳам ҳасаб томонлама, яъни ҳам "силсилаи насаб", ҳам "силсилаи заҳаб" (олтин занжир), турли, ўнлаб, ҳатто юзлаб шажараларда турли жузъий ва тариқатий тафовутларга қарамай охир-оқибатда Муҳаммад пайғамбаримизга боғланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик илмгоҳи

<sup>27</sup> Зоҳидов Б. Баҳоуддин Нақшбанд меъморий шазира. Т., 1993. 2-б.

<sup>28</sup> Абул Мушсин Мушаммад Боқир ибн Мушаммад Али. Юқоридаги асар. 127-128-бб.

кўлёмалар хазинасида 4494 рақами остида сақланаётган Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис-ут-Толибин» номли кўлёмасида<sup>29</sup>, Жомийнинг «Нафохот-ул-унс.»ида, шунингдек, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожаи Бузрук» (№9519), ҳамда Хожа Абдурахим ибн Хожа Абдурахмон Ҳисорийнинг «Тухфат-ул-ансоби Алавий» (№1459) кўлёмаларида ва бошқа манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд ўз насаб шажарасига кўра Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб, саййидзодалардан эканлиги ҳужжатлар асосида қайд этилган<sup>30</sup>.

Юқорида айтиб ўтилган манбалар маълумотларига кўра, Баҳоуддин Нақшбанд ўз силсилаи шарифи 17, 18 ёки 21 силсила орқали ҳам Муҳаммад Пайғамбаримизга бориб тақалади. Муҳаммад Боқирда берилган ушбу Нақшбанднинг уч силсилаи заҳабини биринчиси "Музақкири Аҳбоб"<sup>31</sup> даги берилган Ҳазрати Хоҷамиз Баҳоуддин "фарзандлик назари" тартиби билан мос келиб, унда ҳам ҳазрат 18 устоз орқали Муҳаммад алайҳиссаломга бориб боғланади: Муҳаммад алайҳиссалом, Ҳазрати Али, Имом Ҳусайн, Имом Зайнулобиддин, Имом Муҳаммад Боқир, Имом Жаъфар Содик, Абу Язид Бистомий, Абулхасан Харақоний, Абул Қосим Кўрагоний, Абу Али Формидий, Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Ориф Регварий, Махмуд Анжир Фағнавий, Азизон Рометоний, Бобойи Саммосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд.

Бизнингча, ушбу 18 пиллапо्याли Нақшбанд силсилаи заҳаби ҳақиқатга энг яқин вариантдир. Кейинги эълон қилинаётган маълумотлар бизнинг таҳлилий ва қиёсий хулосамиз тўғрилигини тасдиқламоқда.

Айни пайтда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд она томонидан насаблари Сиддиқийлар, яъни Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Бу асосида айтиш мумкинки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ота, ҳам она томонидан Муҳаммад Пайғамбаримиз авлодларидандир.

Ҳали Баҳоуддин туғилмасданок Хожа Бобойи Саммосий Қасри Хиндувон қишлоғидан ўтаётиб, бу тупроқдан бир эр иси келур ва у рўзгорининг муқтадоси (шаҳар йўлбошчиси) булғай, деб башорат қилган экан. Баҳоуддин туғилгандан сўнг уни Бобойи Саммосий фарзандликка қабул қилади. Унга Муҳаммад деб исм қўйиб, унинг тарбиясини шогирди Саййид Мир Кулолга топширади. Бу тўғрида Навоий ёзади: "Аларга қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийдиндур ва тариқат таълими зоҳир юзиндин Амир Саййид Кулолдиндир, андоқки, деб эмишлар. Аммо ҳақиқат юзидан алар увайсийдирлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний руҳидан топибдилар". Навоий талқинига кўра, Баҳоуддин Нақшбанд суфийлик даражасига Абдуҳолик Ғиждувонийнинг ғойибона сабоқлари орқали эришади. Аввало, Баҳоуддин Саййид Жалолиддин ва Биби Орифа хонадонида Куръони Карим, Ҳадиси шарифдан ва бошқа суфийлик илму-каломлардан дастлабки сабоқни олди. Етти ёшидаёқ Куръони каримни тўлиқ ёд биларди, яъни қори эди.

Насафга (Қаршига) Мир Саййид Кулол ҳузурига келганда Баҳоуддин ўн бир ёшда бўлганлар. Демак, ҳали Саййид Мир Кулол ҳузурига келмасданок Баҳоуддин Нақшбанд Куръонни ёд билган ва тасаввуф маърифатидан боҳабар эди. У Саййид Мир Кулолдан нафақат тасаввуф асосларини, буюк машойихлар асарларини,

<sup>29</sup> Ш.З.Бобохонов, А.Мансур. На=шбандия тари=атига оид =ёлёмалар фикристи. Т., 1993 6-7-б.

<sup>30</sup> Ю=орида номлари келтирилиб, санаб ўтилган манбалар =ёлёмалари, уларнинг кыплаб нухсалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги Шар=шунослик Институтида са=ланмо=да.

<sup>31</sup> Хасанхожа Нисорий. «Музақкири Ашбоб» (Дыстлар ёдномаси). Тазкира. Т., 1993,18-б.

шариатни, фикҳни, балки дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олди. У Саййид Мир Кулолдан 7 йил сабоқ олган. Шундан сўнг она қишлоғига қайтиб келади ва Муҳаммад Боқирнинг ёзишича, 18 ёшида<sup>32</sup> уйланади. Лекин бизга Нақшбанд оиласи ҳақида жуда оз нарсагина маълум.

Баҳоуддин Муҳаммаднинг бир ўғил фарзанди бўлганлиги ҳақидаги Муҳаммад Боқир, унинг ўз сўзлари билан келтирган иккита шаҳодатлиги бизгача етиб келган. «Насаби тоза саййидлардан бири нақл қилиб деди: «Ҳазрати Ҳожамиз, .. Байт-ул-Ҳаром (Каъба) зиёратига борганларида хожилар қурбонлик қилиш билан машғул эдилар. Ҳазрати Ҳожамиз: «Биз ҳам бир ўғилга эга эдик, уни қурбон қиламиз», дедилар. Улар билан бирга бўлган дарвишлар бу сўзнинг ойу-қунини ёзиб қўйдилар. Бухорога қайтиб келганларида, бу сўз уларнинг муборак оғизларидан чиққан қуни ул зотнинг ўғиллари вафот этганликлари маълум бўлди»<sup>33</sup>.

Бошқа бир жойда яна қуйидагича Баҳоуддиннинг ўз сўзлари келтирилган: «Ҳазрати Хожа дедилар: «Биз Ҳақ Таоло инояти билан Расул, С.О.А.В.! га мос иш қилдик. Бизнинг ўғлимиз ҳам ўлди. Нимаики Ҳазрат С.О.В.А.! да юз берган бўлса, ирода хохиши туфайли бизда ҳам юз берди»<sup>34</sup>. (Муҳаммад С.О.А.В.! ўғли вафотига ишора).

Демак, Баҳоуддиннинг ҳеч бўлмаганда бир ўғил фарзанди бўлганлиги манбавий исботланди деса бўлади. Аммо, бошқа манбаларнинг билвосита гувоҳлик беришича, Баҳоуддиннинг бошқа ўғиллари ҳамда қиз фарзандлари ҳам бўлган кўринади. Гап шундаки, юқорида Баҳоуддиннинг икки бора аниқ кўрсатган ўғил фарзанди, борди-ю ёлғиз ўғил бўлган деб фараз қилинганда ҳам Ҳасан Хожа Нисорий номини келтирган Низомиддин Хожа Мир Муҳаммад Нақшбанд Баҳоуддин авлодидан деб кўрсатиши, ҳамда Али Сафий ўз «Рашахот»ида Алоуддин Атторни «эъзозлаб, домодликка (яъни куёвликка) қабул қилдилар»<sup>35</sup>, деб кўрсатилиши, ҳеч бўлмаганда Баҳоуддиннинг бошқа қиз фарзандлари бўлиб, улардан унинг неваралари, эваралари бўлганлигини айтишга имкон беради.

Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597) "Музаккири аҳбоб" асарида Ҳазрати Баҳоуддиннинг наслларидан бўлган Низомиддинхожа Нақшбандий, Ҳасанхожа Нақшбандий ҳақида маълумотлар борлигини қайд этади<sup>36</sup>. Жумладан, "...хожаи бузургвор (яъни Нақшбанд) набираси-олийжоҳ, хидоятпаноҳ Низомиддинхожа Мир Муҳаммад Нақшбандий"<sup>37</sup>, "Ҳасанхожа Нақшбандий кутбул-восилин хожа Баҳоуддин давлати ва улуғ авлодидан"<sup>38</sup>. "Саид Ходи Нақшбандий жаноб хожагий Маҳмудий Нақшбандийнинг ардоқли, саодатли ўғлидир. Насаби беш орқа айланиб ҳазрат хожаи бузургвор Баҳоуддинга-сири муқаддас бўлсин-бориб етади"<sup>39</sup>. Бу эса бизга Баҳоуддин Нақшбанд оиласи ва фарзандлари ҳақида фикр юритишга асос бўла олади.

<sup>32</sup> Абул Мушсин Мушаммад Бо=ир ибн Мушаммад Али. Ю=оридаги асар. 24-б

<sup>33</sup> Абул Мушсин Мушаммад Бо=ир ибн Мушаммад Али. Ю=оридаги асар. 124-б

<sup>34</sup> Ёша асар. 186-б.

<sup>35</sup> +аранг: Мащмудхон Мащдум Шасанхон Мащдум ыли. Хожа Баҳоуддиннинг шаёт йиллари, Шазрат ша=идаги рисоалар баени. –Абул Мушсин Мушаммад Бо=ир ибн Мушаммад Али. Ю=оридаги асар. Сызбоши ырнида. 6-б.

<sup>36</sup> Ҳасанхожа Нисорий. «Музаккири Ашбоб» (Дыстлар ёдномаси). Тазкира.Т., 1993; 263 ва 229-б.

<sup>37</sup> Ёша асар, 19-б

<sup>38</sup> Ёша асар, 264-б

<sup>39</sup> Ёша асар, 229-б

Бундан ташқари Баҳоуддиннинг Қусам Шайх хизматида 3 ой (Боқир, Навоий) Ҳалил Ота хизматида 12 йил<sup>40</sup> (Тўғон), Ориф Дегароний хизматида 7 йил (Боқир) бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Муҳаммад Порсонинг "Қудсия" асарида қайд этилишича: "шоҳона пуштипаноҳи султон Ҳалил саройини тарк этгач, ҳазрат Баҳоуддин шогирди билан Бухорога келди ва Ривортун қишлоғида манзил тутди". Шу ерда ҳазрат Баҳоуддин шогирдлари даврасида дарवेशона ҳаёт кечири бошлайди. Бизнингча, бу даврда ҳазрат Баҳоуддин 30 ёшларда бўлиб, қолган 40 йиллик умрини дарवेशона ўтказди.

Умуман олганда, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Борлари ҳам етарлича ўрганилмаган. Айниқса Нақшбанд умрининг сўнгги даври тўғрисида деярли маълумот йўқ ҳисоби. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётда 73 йил умр кечириб, оламдан ўтганлар. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Рисолаи Қодирия» сида қуйидагича аниқ қилиб кўрсатилган. «Ҳазрат Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари тарихда етти юз ўн саккизинчи йилда. Вафотлари етти юз тўқсон биринчи йили жумадул-аввал ойининг учунчи куни эди. Ҳаётликларининг муддати етмиш уч йил дебдурлар..»<sup>41</sup>. Алишер Навоийнинг ҳам, "Алар (яъни Нақшбанд) етти юз тўқсон бирда рабъи ул аввал ойнинг учинчи куни оламдан ўтубдурлар"<sup>42</sup>, деб кўрсатган. Бу мелодий 1389 йил март-апрел ойларига тўғри келади.

Ҳазратнинг хоки пойлари ўз она қишлоғига дафн этилгандир. Шайх дахмаси атрофида кейинчалик меъморий мажмуа юзага келган. Албатта, мажмуанинг асосини Шайхнинг мрамрдан квадрат шаклда ишланган дахмалари ташкил этади. Дахма тош деворига "Санги мурод" (Мурод тоши) ўрнатилган. Дахма атрофида бундан ташқари: муқаддас қудук, чорсу хонали зиёратгоҳ, айвон ва икки айвонли Абулфайзхон масжиди, чорсу ҳовуз ва табаррук сув сақланадиган сақоҳона ўрин олган. Ташқари ҳовлида маҳобатли хонақоҳ бўлиб, унинг асосини маркази квадрат жамоатхона (37,08 x 40,20 м) ташкил этади. Бундан ташқари баландлиги 12,2 метрли минора, кичик мадраса, улкан ҳовуз ва бошқа ҳозирги замон бинолари мавжуддир<sup>43</sup>. Баҳоуддин Балогардон ҳаёти ва ижодий фаолиятида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар анча. Бизнинг нуқтаи назаримизча, бу борада қуйидаги муаммолар мавжуд:

-биринчидан, Баҳоуддин Балогардоннинг ҳаёт фаолиятини изчил ва мукаммал ўрганиш керак. -иккинчидан, Баҳоуддин Балогардоннинг илмий меросини чуқур ўрганиш лозим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёзма мерос қолдирганлиги, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Туркияда чиққан Шамсиддин Сомийнинг "Қомус-ул-аълам" асарида ёзилишича Нақшбанднинг "Ҳаётнома", номли ваъз ва панду насиҳатлари ва "Далил ул-ошиқин" номли тасаввуфга оид китоблари бўлган.

О. Акимов, А. Муҳаммадхўжаев каби олимлар Нақшбанддан мерос қолмаганлигини айтсаларда, ҳазратдан ёзма мерос қолган экан. Ҳозиргача юқоридаги икки Нақшбанд асари топилмаган бўлсада, нақшбандшунос олима Г. Наврўзова 1995 йил инглиз тилида чиққан Шайх Муҳаммад Хишом Қаббонийнинг "Нақшбандия суфийлик йўли тарихи. Валийлар силсиласи бўйича маълумотлар" асарида келтирган Нақшбанднинг "Ал-Аврод ал Нақшбандия", "Хаддийат ас-

<sup>40</sup> Фаширдин Али Сафий. Рашаот. (Оби шаёт томчилари) Т.: 2003. 79-б.

<sup>41</sup> Мушаммад Сиддиқ Рушдий. /авсул-Аъзам. Рисолаи +одирия (Авлиёлар султони).- Т.:Нур, 1992. 54-бет.

<sup>42</sup> Алишер Навоий. «Насойим-ул-маҷаббат» Навоий асарлари. 15 томлик, 15-том., 1968, 67-б. Янги нашри учун =аранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тыплами. 20-жилдлик. 17-жилд.-Т.:Фан, 2001. 265-бет.

<sup>43</sup> Зоҳидов П. «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий шазира». Т., 1993 3-б.

соликин ва тухфат ат-толибин", "Танбех ал-ғофилин" китоблари бор, деган хабарига таяниб, хазратнинг "Аврод" номли асарини Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербургдаги филиалида В 3829 ва А 1539 шифрлари остида сақланаётган<sup>44</sup> қўлёзма асарини топди. "Аврод" асари араб тилида ёзилган бўлиб, унинг биринчи нусхаси "Авроди Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд" деб номланиб, 14 варақдан иборат. Иккинчи нусхаси "Авроди Баҳойиа" деб аталиб, 20 варақдан иборат<sup>45</sup>. Ҳар икки нусханнинг мазмуни айнан ўхшаш ва муаллифи Шайх Муҳаммад Баҳоуддин эканлиги қайд этилган. Асар соликларнинг узлуксиз бажариб юриши зарур бўлган вазифалари хусусида ёзилган. Агар ҳозирча Шамсиддин Сомий, Ғаспирали Исмоилбей таъкидларига, ҳамда Шайх Муҳаммад Хишом Қаббоний қайдига таянадиган бўлсак, Баҳоуддин Нақшбандга бешта куйидаги: "Ҳаётнома" ёки "Арбоби урфон", "Далилул-ошиқин", "Ал-аврод ал Нақшбандия", "Ҳадийят ус-соликин ва тухфат ут-толибин", "Танбех ал-ғофилин" асарлар нисбат берилмоқда.

Улардан олима Г. Наврўзованинг тадқиқоти сабабли "Рисолаи Баҳойя" ёки "Аврод" илмий жамоатчиликка маълум бўлди. Қолганлари ҳали илмий изланишларни кутмоқда. Нақшбанд мероси "Аврод" рисоласидан ташқари, у хазратнинг замондошлари, шогирдлари асарларида ҳам сақланиб қолган. Биз ўз тадқиқотимизда кўпроқ издошлар берган маълумотларга таяндик. Улар ёзган асарларининг аксар қисми Нақшбандия тариқати амалиёти масалаларига бағишлангандир. "Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи" да фақатгина Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида нақшбандия тариқатига оид 191 номдаги ва 632 нусхадаги адабиётлар мавжудлиги қайд этилади. Улар орасида Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Хожа Убайдулло Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Воиз Кошифий, Али Сафий, Аҳмад Хожагий Косоний, Муҳаммад Боқир, Суфи Оллоёр асарлари қайд этилади. Нақшбандия тариқати историографияси ҳалигача етарли даражада ёритилмаган ва кам тадқиқ этилган мавзулигича қолмоқда.

Умуман олганда, Нақшбанд ҳаёти ва ижоди бепоён, мураккаб муаммо. Бу вазифа ҳозирги ва келгуси тадқиқотчилар зиммасига тушади. Шарқшунос Пригарина ёзганидек: "Исломига сиғинадиган Шарқ халқларининг классик меросини ўрганишнинг долзарб масалалари ичида ҳали ҳам энг муҳими суфизм масаласи бўлиб қолмоқда"<sup>46</sup>.

<sup>44</sup> Наврузова Г. «Баҳоуддин Нақшбанд асари тўғрисида». Тўплам. Т., 1996, 142-б.

<sup>45</sup> Наврузова Г. «Аврод» - Баҳоуддин Нақшбанд аламига мансуб рисола». «Нақшбандия» 1996, № 1-2, 4-б.

<sup>46</sup> Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989, стр.3



## ХУЛОСА.

XIV-XV асрларда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт бирмунча барқарор ҳолга кела бошлаб, Чигатой улусидаги ҳукмрон сулола вакиллари эски мўғулий турмуш тарзи анъаналаридан қатъиян воз кечиб, илм-фан, маданият, ислом ва шариатга, тасаввуф қадриятларига асосланган турмуш тарзи, қонун ва анъаналарга жуда катта хайрихоҳликни ифодаловчи давлат сиёсатини юргиза бошлаган пайтда, мутлақо янги ижтимоий ҳаракатда тасаввуфий тариқатлар ва уларнинг буюк пири–муршидлари, ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Баҳоуддин Нақшбанд дунёқараши, тариқат амалиётининг ўта мураккаб ривожини нақшбандия тариқатининг, умуман, тасаввуф таракқиётидаги ўрнини кўрсатиш, муаммонинг Ўзбекистонда ўрганилиш даражаси, савияси, муаммоларини фалсафа тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши бир қатор муаллифларнинг сезиларли тадқиқотлар олиб бораётганликларига қарамай, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, таълимоти, мероси, дунёқараши ва тариқат амалиётининг жуда кўп жиҳатлари ҳали қониқарли ёритилмаган, деган хулосага келдик.

Нақшбандиянинг сиёсий фаоллашуви Баҳоуддиннинг ўз ташаббуси билан боғлиқ бўлганлигини, шу билан боғлиқ равишда унинг тасаввуфий дунёқараши ва тариқат амалиётининг асоси бўлмиш 11 ирфоний-гносеологик рашха фалсафа тарихи фанининг энг сўнги тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилди, фалсафий умумлаштирилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мыминов И. Танланган асарлар. 1-том. - Т.: 1969.
2. Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986.
3. Из истории суфизма: источники и социальная практика. Под ред. акад. М Хайруллаева. - Т.: 1991.
4. Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана У11-Х11. - М.: 1960.
5. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. - Т.: 1977.
6. Суфизм в Центральной Азии (Зарубежные исследования).-С-Пб.: изд. С-Петербургского ГУ. 2001.
7. Исмоилов С. На=шбандия тари=атининг баъзи бир илдизлари хусусида. – Муста=ил Ўзбекистон : фалсафа фанинг долзарб муаммолари.1 жилд. – Т.: 1995.
8. Ашмад Яссавий. Девони шикмат.-Т.: /афур /улом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси.1992.
9. Мыминов А. Яссавия: илдиз ва манбалар.// Фан ва турмуш. -1993. -№ 9-10.
10. Зоҳидов Б. Баҳоуддин На=шбанд меъморий шазира. Т., 1993.
11. Абул Мушсин Мушаммад Бо=ир ибн Мушаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Накшбанд.
12. Бобохонов Ш.З., Мансур А.. На=шбандия тари=атиға оид =ылёзмалар фихристи. Т., 1993.
13. Хасанхожа Нисорий. «Музакири Ашбоб» (Дыстлар ёдномаси). Тазкира. Т., 1993.
14. Мушаммад Сидди= Рушдий. /авсул-Аъзам. Рисолаи +одирия (Авлиёлар султони).- Т.:Нур, 1992.
15. Наврузова Г. «Аврод» - Баҳоуддин Накшбанд =аламига мансуб рисола». «На=шбандия» 1996, № 1-2.
16. Грюнебаум Г. Классический ислам. Очерки истории. (600-1258) - М.: 1986.
17. Кайковус. +обуснома. - Т.: 1994.
18. Газали. Избавляющий от заблуждения – С.Н.Григорян. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. - М.: 1960.
19. Додихудоев Х. Философия крестьянского бунта (О роли средневекового исмаилизма в развитии свободомыслия на мусульманском Востоке). - Душанбе: 1987.
20. Ислам. Энциклопедический словарь. - М.: 1991.
21. Комилов Н. Тасавуф ёки комил инсон ахло=и. I-китоб. - Т.: 1996.
22. Абу Шамид /аззолий. Эй фарзанд. // Мовароуннашр мусулмонлари. -1993. - № 1.
23. Ориф Усмон. Хожа Абдулхоли= /иждувоний. // Муло=от. -1993. -№ 1.
24. Шца==ул И. Тасавуф ва шеърият. -Т.: 1991.
25. Быриев О. Баҳоуддин На=шбанд ыгитлари.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 10.09.93.
26. Куръони карим. - Т.: 1991. 5-оят 7-сура.
27. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-Vвв. Лен-д.,1966, Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литературы. - М.: 1972. Заходер Б. Н. История восточного средневековья. - М.: 1944.

28. Наврузова Г. «Бащоддин Накшбанд асари ты\рисида». Тыплам. Т., 1996.
29. Алишер Навоий. Насойимул мушаббат. МАТ. 20 томлик, 17 том, Т.: 2001.
30. Ирек уо'ли. уй:1. sayi: 6. Спецвыпуск.
31. Мыминов И. Танланган асарлар. 1 жилд, -Т.: 1969.
32. Бартольд В.В. Ислам. соч. в 6 томах. - М.: 1966.
33. Ащмад Яссавий. Щикматлар.-Т.: 1990.
34. Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965.
35. Мухаммадходжаев А.. Гносеология суфизма. - Д.: 1989.
36. Олимов К. Хорасанский суфизм. - АДД. - Т.: 1994.
37. Фахруддин Али Сафий. Рашащот. (Оби шаёт томчилари) Т.: 2003.
38. Шайх Нажмиддин Кубро. Ма=олалар. - Т.: 1995.
39. Кайковус. +обуснома. - Т.: 1994. – Б. 162.
40. Суфизм в контексте мусульманской культуры. - М.: 1989.